

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ПУЛАТОВА БАРНО ЖУРАХОНОВНА**

**ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ ТУҒМА КЕМТИКЛИ БОЛАЛАРДА**  
**КОМПЛЕКС СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик(DSc.) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации докторской (DSc.) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Пулатова Барно Журахоновна**

Юқори лаб ва танлай туғма кемтикли болаларда

комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқиш..... 3

**Пулатова Барно Журахоновна**

Разработка комплексной стоматологической помощи

детям с врожденной расщелиной верхней губы и неба..... 29

**Pulatova Barno Jurakhonovna**

Development of comprehensive dental care children with

congenital cleft upper lip and palate ..... 56

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**DSc 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ПУЛАТОВА БАРНО ЖУРАХОНОВНА**

**ЮҚОРИ ЛАБ ВА ТАНГЛАЙ ТУҒМА КЕМТИКЛИ БОЛАЛАРДА**  
**КОМПЛЕКС СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib238 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz)) ва «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Амануллаев Рустам Азимджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шалабаева Клара Зулкарнаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

**Гуломов Сурат Саидвалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Боймуродов Шухрат Абдужалилович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наварре халқ университети (Испания)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: [info@tsdi.uz](mailto:info@tsdi.uz)).

Диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Л.Э. Хасанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Х.П.Камилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгашда қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари (ЮЛТТК) дунёнинг кўпгина давлатларида «...юз-жағ соҳаси болалар туғма патологиялари структурасида энг кенг тарқалганлиги билан стоматологик касалликлар орасида ўзига хос аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Болалар касалликлари структурасида иккинчи ўринни, ногиронлик бўйича эса биринчи ўринни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтикларига анатомио-физиологик бузилишларнинг мураккаб комплекси ҳамроҳлик бўлиб «...улар боланинг ўсиши, юз ўрта соҳасини деформациясига, юз скелетини ривожланишнинг олдини олиш, муҳим аъзо ва тизимларнинг ҳаётий муҳим фаолиятини, нафас олиш, ютиш, чайнаш, гапириш ҳамда болаларнинг психоэмоционал статусининг шаклланишига негатив таъсир қилиши...»<sup>2</sup> асосланган. ЮЛТТК ўзи билан нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий муаммони намоён қилади. Бу муаммонинг долзарблиги ЮЛТТКли болаларни адекват ва ўз вақтида даволаш зарурлиги ҳақида далолат беради. Дунёда «...юқори лаб ва туғма танглай кемтикли хасталиги популяцион даражаси 1000 чақалоққа 0,6-1,6 ҳолатни ташкил қилади...»<sup>3</sup>. Мазкур патология билан туғилган болаларнинг сони доимий ўсаётганлиги сабабли, мақсадли тадқиқотлар олиб борилишини тақоза қилади. Танглай анотомик шаклининг тўлиқ тикланиши, операциядан кейинги асоратлар хавфининг камайиши, юқори жағ суягининг ривожланиши, талаффузнинг тикланиши, эрта ортодонтик даволашнинг самарадорлигини ошиши ва реабилитациянинг модернизацияси болалар юз-жағ жарроҳлигида даволаш-реабилитацион тадбирлар комплексини такомиллаштиришни талаб қиладиган энг мураккаб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада юқори лаб ва танглайнинг икки тарафлама туғма кемтикли болаларда юқори жағ ўсиши ва деформациясининг динамикаси прогнозлаш, юқори жағнинг назорат-диагностик моделларини баҳолашни такомиллаштириш; болаларда бурун стендли модефикацияланган назоальвеоляр молдингни қўллаш орқали ортодонтик даволашни такомиллаштиришдан иборат. Қаттиқ танглайнинг анатомио-функционал бутунлигини, юмшоқ танглайнинг функционал фаоллигини тикловчи танглай уранопластика усулини ишлаб чиқиш ҳамда болаларда юқори лаб ва танглай кемтикларини ривожланиш хавфи этиологиясида ота-оналар популяциясининг микроаномалияларини диагностик аҳамиятини белгилаш

<sup>1</sup>Тимаков И.Е., Фоменко И.В., Касаткина А.Л., Мельникова Д.В., Мельников П.Ю. Сравнительная характеристика лечения детей с двусторонней полной расщелиной верхней губы и неба съёмной ортодонтической аппаратурой // Современные проблемы науки и образования. – 2017. –№ 6.-С. 21-26.

<sup>2</sup> ЖССТнинг 2017 йиллик ҳисобот маълумотлари.

<sup>3</sup> Woo A.S., Skolnick G.B., Sachanandani N.S., Grames L.M. Evaluation of two palate repair techniques for the surgical management of velopharyngeal insufficiency //Plast Reconstr. Surg.-2014.-Vol.134-P.588e-596.

ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш билан бир қаторда болалар орасида турли стоматологик касалликлар ривожланиши ва тарқалишини камайтириш ҳал қилиниши зарур муаммолардан биридир. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>4</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда болалар орасида жарроҳлик амалиётининг самарали тизимини яратиш, лаб ва танглай кемтикларини ўз вақтида ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик оқибатида юзага келадиган юз-жағ касалликларининг асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>5</sup>.** Юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Broadgreen University (Англия), University of Milan (Италия), Sohag University (Миср), Dublin Dental University (Ирландия), Vanderbilt University, Cornell University, University of

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>5</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.rlbuht.nhs.uk](http://www.rlbuht.nhs.uk); [www.unimi.it](http://www.unimi.it); [www.sohag-univ.edu.eg](http://www.sohag-univ.edu.eg); [www.vanderbilt.edu](http://www.vanderbilt.edu); [www.cornell.edu](http://www.cornell.edu); [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu); [web.musc.edu](http://web.musc.edu); [www.unc.edu](http://www.unc.edu); [www.unal.edu.co](http://www.unal.edu.co); [www.kfshrc.edu.sa](http://www.kfshrc.edu.sa); [www.ccmu.edu.cn](http://www.ccmu.edu.cn); [www.cmu.edu.tw](http://www.cmu.edu.tw); [www.gu.se](http://www.gu.se); [www.unicamp.br](http://www.unicamp.br); [www.kisma.ru](http://www.kisma.ru); [www.tsd.uz](http://www.tsd.uz) ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган

California, University of South Carolina (АҚШ), University of North Carolina (АҚШ), National University of Colombia (Колумбия), King Faisal Specialist Hospital and Research Center (Саудия Арабистон), Capital Medical University, China Medical University (Хитой), University of Gothenburg (Германия), University of Campinas (Бразилия), Кубан Давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси) ва Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқишни самарали усуллари амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: юқори лаб ва танглай туғма кемтиклар болаларнинг юз тузилиши деформацияси, сўзларнинг талаффуз қилиш даражаси, эшитиш, психоэмоционал ва функционал ҳолатга таъсир механизмлари асосланган Broadgreen University (Англия); юз-жағ соҳаси нуқсонлари ривожланишининг кўп омиллик хусусиятлари атроф-муҳитнинг турли зарарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши ҳамда генетик полиморф омилларга боғлиқлиги исботланган University of Milan (Италия); юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларнинг она сутини эмиши, тиш чиқиши, сут тишларнинг доимий тишларга алмашиш тартибининг издан чиқиши ва нуқсонлар билан шаклланишига боғлиқлигини асосланган (Sohag University (Миср); юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсони болаларнинг ўсишдан тўхташи, асаб-руҳий ва руҳий-ижтимоий бузилишлар оқибатида болаларда юзага келадиган ривожланиш нуқсонларининг ўзига хос хусусиятлари исботланган University of California (АҚШ); юқори лаб ва танглай туғма кемтикларнинг тиклашга ва унинг асоратларни олдини олишга қаратилган жаррохлик амалиётининг анъанавий хейло, вело-уранопластика тартиби ишлаб чиқилган National University of Colombia (Колумбия); бирламчи хейлопластикадан олдинги эрта ортодонтик даволаш тизими асосланган Seoul National Dental University Жанубий Корея; University of Stuttgart, Германия); юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда хейло- ва уранопластик жаррохлик амалиётидан кейинги реабилитацион даволаш тартиби такомиллаштирилган University of Madrid, Испания, Heidelberg University, Германия); юз-жағ соҳаси нуқсонларини янги пластика усуллари ишлаб чиқилган Plastic Reconstructive and Aesthetic Surgery, Франция, Institute of Maxillofacial Surgery, Испания); юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик жаррохлик амалиётининг замонавий тизими такомиллаштирилган Тошкент Давлат стоматология институти (Ўзбекистон).

Дунёда юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқишни илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, танглайнинг анатомио-функционал хусусиятларини тиклаш имкониятини берувчи уранопластика усулини ишлаб чиқиш; уранопластикадан кейин эрта асоратларнинг профилактик механизмини асослаш; юқори жағ ривожланишдаги ўзига хос бўлган хусусиятларни асослаш; юқори лаб ва танглай туғма кемтиклигини хирургик амалиёт орқали нутқни тикланиши

асослаш; юқори лаб ва танглай туғма кемтиклида генлар полиморфизмини ҳамда тиклаш учун жаррохлик усулларининг оптимал ёндашуви такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларни даволашда бирламчи нуқсонларни тўғрилаш, эстетик нуқсоннинг камайиши, бироқ, турли тадқиқотларнинг кўрсатиши бўйича операция натижалари, реабилитацион тадбирлар ва қўланилган даволаш усуллари бир-биридан кескин фарқ қилиши асосланган (Катасонова Е.С., 2010; Мамедов Ад.А., Блиндер Ж.А., Кучеров Ю.И. ва б., 2016; Fisher D.M., 2012; Mitropanova M.N., 2018). Бунда ортодонтик коррекция қилмаслик функционал силжишларни тўлиқ бартараф этиш ва юқори эстетик натижаларни олиш қийинлиги билан изоҳланади (Хорошилкина Ф.Я., 2001; Махкамов М.Э., Дустмухамедов М.З., Амануллаев Р.А. ва б., 2003; Чуйкин С.В., Персин Л.С., Давлетшин Н.А., 2008; Toth, Z., 2006; Udalova, N.V. Starikova, A.G. Nadtochiy N.V., 2014; Карницкий А.В., Скрипкина Г.И., Матешук А.И. и др., 2015; Woo Albert S., 2012; Alves M.L., 2015). ЮЛТТКли болалар сўлагида тишларни кариес билан зарарланиш интенсивлигига таъсир қилувчи кальций даражасининг пасайиши, шунингдек, ЮЛТТКли болаларни сунъий овқатлантириш ичаклар дисбактериози, иммун тизимининг силжиши, жисмоний ривожланишдан ортда қолиш ва соматик патологиянинг ўсиши кузатилган (Негаметзянов Н.Г., 2008; Чуйкин С.В., Персин Л.С., Давлетшин Н.А., 2008; Давыдова А.К., 2013; Касаткина А.Л. 2015). Қатор тадқиқотлар натижаларда лаб ва танглайнинг мультиомилли кемтикларида генетик ва ташқи муҳит омилларининг мураккаб ўзаро боғлиқлиги мавжуд, бу 60% ҳолатда мазкур патологияли болалар оилаларида қайта туғилиш хавфига олиб келади.

Ўзбекистонда ЮЛТТКли болаларда ташхислаш, даволаш ва реабилитацияни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Республикаимизнинг турли вилоятларида лаб ва танглай туғма кемтиги бўлган болаларни туғилиш даражаси илмий асосланган (Р.А.Амануллаев 2005, Иноятов А.Ш., 2016); танглай-ҳалқум халқаси шаклини инобатга олган ҳолда маҳаллий асоратларни башоратлаш ва операцияни режалаштириш математик моделини ишлаб чиқилган (М.З. Дустмухамедов, 2006) бироқ, юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқишни тақоза этади.

Стоматологик ёрдамни ўз вақтида олмаслик, яшаш жойи бўйича ортодонтик давони олиш имкониятни йўқлиги, айниқса шаҳардан узок бўлган туманларда, хирургик аралашув тактикасининг нотўғри танланганлиги юз скелетини ўсиши ва ривожланишини бузилиши, нутқ аппарати патологиясининг ривожланиши, шунингдек бундай болаларнинг умумий ва жисмоний ривожланишини бузилишига олиб келади. Бугунги кунда ЮЛТТКли болаларда реабилитация ва диспансеризация босқичларида комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқиш, юқори жағ иккиламчи деформацияларини олдини олиш, бола нутқига таъсир қиладиган танглай-

ҳалқум ҳалқаси етишмовчилиги кўринишидаги постоперацион асоратлар билан боғлиқ бўлган кўпкина масалалар ўз ечимини топмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф-муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда юз-жағ соҳаси ўсмалари, жароҳатлари, яллиғланиш касалликлари, деформациялари, нуқсонларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий ёндошувларини ишлаб чиқиш» (№011400196) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори лаб ва танглай туғма нуқсонли болаларда даволаш-профилактик ва реабилитацион тадбирлар комплексини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори лаб ва танглайнинг икки тарафлама туғма кемтикли болаларда юқори жағ ўсиши ва деформациясининг динамикаси прогнозини аниқлаш орқали, юқори жағнинг назорат-ташхислаш моделларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

юқори лаб ва танглайнинг икки тарафлама туғма кемтикли болаларда бурун стендли модефикацияланган назоальвеоляр молдингни қўллаш орқали ортодонтик даволаш тратибини баҳолаш;

қаттиқ танглайнинг анатомо-функционал тузилиши, юмшоқ танглайнинг функционал фаоллигини тикловчи танглай уранопластика усулини ишлаб чиқиш;

таклиф қилинган усулда бажарилган уранопластикадан сўнг танглай-ҳалқум ҳалқаси ҳолатини баҳолаш;

юқори лаб ва танглайнинг икки тарафлама туғма кемтикли болаларнинг стоматологик статусини баҳолаш, жароҳлик даволаш босқичларида предоперацион тайёргарлик самарадорлигини баҳолаш;

болаларда юқори лаб ва танглай кемтикларини ривожланиш хавфи этиологиясида ота-оналар популяциясининг микроаномалияларини диагностик аҳамиятини белгилаш;

математик моделлаштириш усулида ўтказилаётган даволаш-ташхислаш тадбирлар комплексининг натижавийлигини, уларнинг самарадорлиги ва асоратлар профилактикаси эҳтимоллигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2018 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлик бўлимида юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтигилиги билан хирургик операция қилинган 203 нафар бола олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида юзнинг ўрта соҳаси, жумладан юқори жағ суяги, юмшоқ ва қаттиқ танглайнинг мушак ва шиллиқ тўқимаси, организмнинг биологик суяқликлари, веноз қон ва сўлак материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, функционал, антропометрик, фотометрик, магнит-резонанс томография, генетик, математик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юмшоқ танглай мушакларини бўйлама кесиш орқали m.levator veli palatine ажратилиши, бурун шиллик қаватининг мушакли асосига танглайни узайтириш, органнинг анатомик-функционал ҳолатини тиклаш ҳамда кемтик фрагментлари орасидаги масофанинг қисқариши орқали болаларнинг нутқ фаолияти ривожлантириш асосланган;

бурун стендли бурунальвеоляр молдингни модифицирланган усулда танглай ўсимтасининг кичик фрагментини узайиши, юқори жағ суяги фрагментларини жипслашишида бурун учи қарма-қарши кемтикка 10%га камайиши ҳамда колумелласини мушакларнинг анатомик фаолиятини соғлом тарафга 7<sup>0</sup> га ўзгариши исботланган;

ортодонтик даволашда О-симон назал стендли назоальвеоляр молдингни қўллаш, юқори жағ фрагментларининг ўсиши ва хейлопластикадан аввал торецли контактга ўрнашиши, юқори жағ фрагментлари (SR-SL) орасидаги ёриқ бошланғич кўрсаткичдан 40%га камайиши бирламчи хейлопластикани самарадорлиги исботланган;

юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда 3D сканер ёрдамида юқори жағ назорат-ташхислаш моделларини CAD-CAM такомиллаштирилган технологиясида юқори жағ тиш алвеоляр ёйининг антропометрик ўлчами ва ортодонтик тактикани танлашга асосланган;

юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болалар ва ота-оналарида диастема, қисқа танглай, қисқа тил юганчаси ва прогения каби орофациал микроаломатлар мавжудлиги билан фенотипик акс этувчи GSTP11le105 Val генининг G/G ва A/G генотиплари полиморфизмининг ноқулай омиллар билан корреляцион боғлиқлиги исботланган;

уранопластик усулида юқори лаб ва танглай туғма кемтигини хирургик амалиёти соҳанинг анатомио-физиологик тузилиши, қоннинг клиник-лаборатор, биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда юқори жағ суяги меъёрий ўсиш хусусиятларининг тикланиш даражаси исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

3D сканерли компьютер технологиясини қўлланиши юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда юқори жағнинг назорат-ташхислаш моделларини баҳолаш ва ортодонтик даволаш тактикасини белгиланган;

3, 6 ва 12 ойдан сўнг комплекс даволаш ва профилактик реабилитацион чора-тадбирларнинг самарадорлиги баҳоланган;

модифицирланган молдингни тақиш билан ўтказиладиган эрта операцион олди тайёргарлик хейлопластика натижасига ижобий таъсир қилиши тартиби баҳоланган;

юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларни комплекс даволаш ва реабилитация алгоритмига таклиф қилинган;

бир босқичли жарроҳлик амалиётида юмшоқ танглайни узайтириш ва танглай-халқум деворининг анатомо-функционал хусусиятларини тиклаш тартибининг ижобий натижалари баҳоланган;

юқори лаб ва танглай туғма кемтиккли болалар ота-оналарининг диастема, қисқа танглай, қисқа тил юганчаси ва прогения каби орофациал микроаломатларини фенотипик акс этувчи GSTP11leVal105 генининг G/G ва A/G генотипларини полиморфизмининг ўрни ва аҳамияти баҳоланган;

танглай пластикасида бир босқичли хирургик ёндашув бурун бўшлиғи ва оғиз бўшлиғи оралиғини тўлиқ ёпилишига ва тишларни кариес билан зарарланишининг олдини олиниши тартиби такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, функционал, антропометрик, фотометрик, магнит-резонанс томография, генетик, математик ва статистик таҳлилларига асосланилганлиги, шунингдек, юқори лаб ва танглай туғма кемтиккли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқишга янги ёндашув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти замонавий компьютер технологиялари асосида тиш-жағ тизимини кўп компонентли баҳолашдан, ота-оналарда ташқи муҳит ноҳуш омиллари билан биргаликда болаларда ЮЛТТК ривожланиш хавфи бўлиб хизмат қиладиган GSTP1Val105 гени гетерозиготали варианты ташувчилиги баҳолаш ЮЛТТКли болаларда ва ота-оналарида диастема, қисқа танглай, қисқа тил юганчаси ва прогения каби орофациал микроаломатлар: мавжудлиги билан фенотипик акс этувчи GSTP1Val105 генининг A/A ва A/G генотипларини полиморфизми орасидаги алоқа аниқлашдан иборат бўлган ишлаб чиқилган стоматологик ёрдам комплексининг самарадорлигини баҳолаш касаллик патогенези тўғрисидаги тасаввурни кенгайтириш ҳамда метаболик жараёнлар коррекцияси амалга ошириш, маҳаллий ва тизимли мувозанат тикланадиган янги комплексли даволаш усулини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти хейлопластикага операцион олди тайёргарлик, бурун стендли назоальвеоляр молдингнинг модифицирланган қурулмасини қўллаш, m.levator veli palatine кесиб олиш, мушак халқасини шакиллантириш ва бурун шиллик қаватига тикиш орқали ишлаб чиқилган бир босқичли уранопластика усулини ўз ичига олган ЮЛТТКли болаларни комплекс даволаш ва реабилитацияси бўйича ишлаб чиқилган алгоритм танглайни узайтиради ва анатомо-функционал бутунлигини тўлиқ тиклаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори лаб ва танглай туғма кемтиккли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Танглай туғма кемтикларини жароҳлик даволаш усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларда жароҳлик усулда даволаш самарадорлигини ошириш, қаттиқ ва юмшоқ танглай анатомио-функционал ҳолатини тиклаш имкониятини берувчи жароҳлик усулида даволашнинг янги услубини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларни даволашда комплекс ёндашув» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЮЛТТКли болаларни даволашда турли йўналишдаги мутахассисларнинг: ортодонт, хирург, педиатр, логопед, генетикларни комплекс ёндашувини амалга ошириш имконини берган;

«Юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларни реабилитациясида логопедик ёрдам» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома вилоят марказларидан узоқ жойлашган худудлардаги логопедлар, стоматолог-педиатрларнинг кенг доирасига мўлжалланган бўлиб, мазкур контингентни логопедик даволаш имконини берган;

«Юқори лаб ва танглай кесиб ўтувчи туғма кемтикли болаларни даволаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 февралдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада болаларнинг реабилитация босқичларида ЮЛТТКни комплекс даволашнинг конкрет схемаси келтириш имконини берган;

«Танглай туғма кемтигини жароҳлик даволаш усули» фойдали модели бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент олинган (№FAP 01377 31 май 2019 йил). Мазкур уранопластика усули танглай кемтиклари оғирлик даражаларидан қабтй назар танглай нуқсонини бир босқичда ва самарали бартараф этиш ҳамда реабилитация муддатини қисқартириш имконини берган;

«Юқори лаб ва танглай кесиб ўтувчи туғма кемтикли болаларни хейлопластика операциясига эрта комплекс тайёрлаш усули» фойдали модели бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент олинган (№FAP 01378 31 май 2019 йил). Хейлопластикага ортодонтик предоперацион тайёрлаш усули бирламчи хейлопластикани ўтказиш учун эрта босқичда бурун ва юқори жағ суяги структурасини максимал тўғри ҳолатга келтириш имконини берган;

юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда комплекс стоматологик ёрдамни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг клиникаси, Наманган шаҳар болалар шифохонаси, Бухоро ва Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказларнинг клиник амалий фаолиятга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июндаги 8н-з/110-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларда қўлланилаётган

даволаш усулларини самарадорлиги уларнинг овқатланиш тартиби, нафас олиш, нутқини равонлашиши билан биргаликда шифохонада даволаш мудатини 25% га қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, еттинчи боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларга кўрсатиладиган комплекс стоматологик ёрдамнинг замонавий муаммолари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида юқори лаб кемтикларни муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Юқори лаб ва танглай туғма кемтиклигини этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми бўйича манбалар келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларга кўрсатиладиган комплекс стоматологик ёрдамни кўрсатишнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган, антропометрик, нурли, молекуляр-генетик, математик, фотометрик, функционал ва статистик тадқиқот усулларини ўз ичига олган клиник материал келтирилган. Тадқиқот объекти бўлиб, 2016-2019 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлик бўлимида диспансер ҳисобида турган, юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган 6 ойдан 6 ёшгача 203 нафар бола ва танглай-


ҳалқум соҳасида патологик ўзгаришлари бўлмаган 30 нафар соғлом болалар бўлди.

Юқори лаб ва танглайида туғма кемтикларининг оғирлик даражасига қараб, болалар Л.Е. Фролова (1973) таклиф қилган классификацияга асосланган ҳолда гуруҳларга бўлинган. 203 нафар тадқиқотда иштирок этган танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларнинг 116 нафари чуқур текширувлардан ўтказилди: клиник, функционал, антропометрик; 203 нафарида компьютер технологиялари бўйича назорат-диагностик моделларда жисмоний ривожланиш баҳоланди; 80 нафарида–генетик, 30 нафарида танглай-ҳалқум халқаси магнит-резонанс томографияси ва 20 нафарида буруннинг фотометрик текширувлари ўтказилди.

Барча беморларга операциядан олдин қон ва сийдикнинг умумий клиник таҳлили, қоннинг умумий оқсил, оқсил фракциялари, ферментлар, билирубин, электролитлар биокимёвий таҳлилини ўз ичига олувчи текширувлар ўтказилган, зарурият бўлган беморларда кўкрак кафасининг рентгенографияси ва ЭКГ ўтказилган. Бундан ташқари, болаларни: педиатр, анестезиолог, ортодонт, лозим бўлганда оториноларинголог ва невропатолог мутахассислари кўриқдан ўтказган.

Қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида ЮЛТТКли 203 нафар бемор ва ЮЖС патологияси бўлмаган 30 нафар бемор кўриқдан ўтказилди. Вазифалардан келиб чиққан ҳолда, беморлар 4 гуруҳга ажратилди: кузатув гуруҳига (соғлом болалар, n=30) танглай-ҳалқум халқаси патологияси бўлмаган болалар киритилди. Синдромал патология, юз соҳаси нуқсонлари, нутқ муаммолари, асаб тизими патологияси бўлган болалар тадқиқотдан чиқарилди.

Қолган гуруҳлар даволаш усуллари бўйича қуйидагича тақсимланди: I (n=78) асосий гуруҳ, таклиф этилган бурун стендли назоальвеоляр молдинг модификацияси ва танглай ўсимталари соҳасида эластик пластмассани қаватлаб жойлаштириш билан эрта ортодонтик даволаш босқичлари бажарилган ҳамда таклиф қилинган уранопластика усулида операция қилинган болалардан ташкил топди (1-расмга қаранг). Кемтикни таклиф қилинган усулда пластика операциясининг тактикаси шундан иборатки, кесмалар кемтик қиррасидан биров ўтиб, орал тарафдан кемтик қирралари бўйича бажарилади, қиррадан ўтиш ўлчами кемтикнинг бирламчи ўлчамидан фарқланади. Кесмалар иккала тарафдан қаттиқ танглайда ҳар бир фрагментнинг альвеоляр ўсимтасига ва юмшоқ танглай бўлинган тилчалар учларига қадар давом этилади. Юмшоқ танглайнинг шиллиқ қавати мушаклардан скальпель ёрдамида ва ўткирмас йўл билан юмшоқ танглайнинг орқа чегарасига, ён тарафдан эса қанотсимон ўсиғ илмоғигача кесилади. Сўнгра бурун шиллиқ қавати танглай дўнгликларидан мобилизацияланади ва ўрта чизик бўйича тикилади. Бурун шиллиқ қавати тикилгандан сўнг чоклар чизигидан 1,0-1,5 мм. ўтиб иккала тарафда m. levator veli бичилади. M. levator veli фасция билан ажратилади.



**1-расм. Операция босқичлари.** а – операциядан олдин; б - m. levator veli ни бичиб олиш; в – иккала тарафдан кўндаланг кесимлар ва юмшоқ танглай ва тилча қиррасининг шиллик қаватини кесиш; г – бурун шиллик қаватини тилча учидан охиригача тикиш; е – яранинг шиллик қаватини тикиш.


Сўнг мушаклар юмшоқ танглайнинг пастки орқа тарафида бирлаштирилади. Мушак халқаси шакиллантирилади, уни эса ўз навбатида, бўлган бўшлиқни ёпиш ва орқа соҳа мушакларини сақлаш, шунингдек бурун шиллик қавати билан зич жипслашув ва синхронликни таъминлаш мақсадида, марказ бўйича бурун шиллик қаватининг мушакли асосига тикилади. Ретенцион пластинка билан фиксацияланади. Усулни ўтказиш методикасига патент олинган «Танглай туғма кемтигини хирургик даволаш усули» (31.05.2019 Uz FAP №01378).

II (n=83) солиштирма гуруҳ, унда анъанавий даво ўтказилган: бирламчи хейлопластикага қадар прешакиллантирувчи пластинка билан хирургиядан олдинги ортодонтик даво, 8 дан 12 ойгача бўлган даврда хейлопластика, 1,5-3 ёшда велопластика ва 4-6 ёшда уранопластика.

III (n=42) у ёки бошқа сабаблар (ихтисослаштирилган тиббиёт марказларидан узоқда яшаш, ихтисослаштирилган ёрдамга кеч мурожат қилиш ва б.) билан бирламчи хейлопластикага операциядан олдинги эрта тайёргарлик ўтказилмаган болалар гуруҳи, лекин ёшини ва оператив аралашувнинг ўз вақтида ўтказиш заруриятини инобатга олган ҳолда уларга стандарт хирургик стоматологик ёрдам кўрсатилган.

Эрта ёшдаги болалар билан ишлаш жараёнида юқори жағ деформациясининг аниқ тавсифномасига зарурият юзага келди, сабаби унинг даражаси эрта ортодонтик даволашни режалаштириш, давомийлиги ва мураккаблигига таъсир қилади. Икки тарафлама ЮЛТТКли барча болалар деформациянинг катталиқ даражаси бўйича оғирлик даражасининг 4та гуруҳига ажратилди. Гуруҳлар бўлиниши асосига Долгополова Г.В. (2005)

бўйича ўрта чизиғига нисбатан жағаро суяк сошник билан силжиш даражаси олинган. Назорат-диагностик қолипларнинг антропомитрек ўлчамлари «Helios Dental» тиш-техник лабораториясида 3D сканерлаш ва моделлаштириш рақамлаштирилган технологиялари бўйича ўтказилган.



2-расм. Назорат-диагностик қолипларнинг антропометрик ўлчамлари

Юқори жағ суягини ўсиши ва ривожланишини таҳлили учун махсус компьютер чизғичи ёрдамида (Sillman J.H. ўлчамлари, 2001) юқори жағ трансверсал йўналишда бахоланди: тишлар орасидаги ва тишлар сатҳи бўйича танглай битмаган ўсимталари қирралари орасидаги масофа.

Сагиттал йўналишда юқори жағ узунлиги 10-12 ойлигида хейлопластикадан ва уранопластикадан олдин танглай нуқсонли болалар сут тишлари сатҳидаги нуқталарда ўлчанган, юқори жағнинг бошланғич параметрлари 6 ойдан сўнг ўтказилган хейлопластика (лаб пластикаси), велопластика (юмшоқ танглай пластикаси) ва уранопластика (қаттиқ танглай пластикаси) кейин олинган шундай маълумотлар билан таққосланди. Беморларда магнит-резонанс томография операциядан олдин ва кейин (6-12 ой сўнг) “Siemens” (Германия) фирмасининг Magnetom Open/Viva аппаратида. Магнит майдоннинг 0,2Т кучланишида, T1 spinecho (SE) тарзда коронар, сагиттал ва аксиал проекцияларда бажарилди. Қаттиқ танглай узунлигини, юмшоқ танглай узунлигини, халқум орқа девори қалинлигини ва халқум чуқурлигини ўлчаш M.D. Akguner (1999й.) услуги бўйича ўтказилди.

M. levator veli palatini статистик холати параметрларини ўлчаш, m. LVP бирикишини бошланиши чап ва ўнг нуқталари орасидаги масофани ўлчаш, ўнг ва чап m. LVP жойлашиш бурчаклари, m. LVP узунлигини юмшоқ танглай ўртасигача ўлчаш (S.L. Ettema ва ҳамм. услуги бўйича, 2001) ўтказилди.

Ўтказилган клиник кўрик давомида бошқа аъзолар ва тизимлар томонидан ёндош патологиялар кузатилмаган, 80 кишидан (ЮЛТТКли 37та бола ва уларнинг 43та ота-онаси) иборат бўлган кузатув гуруҳи шакиллантирилди. Болалар жинси бўйича тақсимланди: 19 ўғил ва 18 қиз бола, Ўзбекистон Республикасининг турли худудларида туғилган ва яшовчи ўзбеклар. GSTP1 ген-номзоднинг полиморф варианты ассоциациясини

ўрганиш мақсадида, юқори лаб ва/ёки танглай кемтиги бўлган мазкур болалар гуруҳида молекуляр-генетик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот учун танланган GSTP1 гени ксенобиотиклар детоксикацияси тизими генига таалуқли. ДНК-ажратма беморлар қонидан (3-5мл) феноль-хлороформли экстракция усулида олинган. Ген полиморфизми таҳлили полимеразали занжирли реакция усулида, амплификаторда реал вақт режимида (CFX96, Bio-rad) верификацияга мос равишда, локуспецифик олигонуклеотидли праймеровларни қўллаган ҳолда ўтказилди. F: 5'-ctgtttgactgcagcattgct-3; R: 5'-atgtatgttgccctcctttgct-3.

Беморлар ва соғломлар гуруҳларида генотип ва аллеллар тақсимланиш частотасини таққосланишини баҳолашда Хайди-Вайнберг тенгламасининг мувозанатида  $\chi^2$  Пирсон критерийси қўлланилди. Генотиплар ассоциациясида патологиянинг ривожланишига мойиллик (OR) имконияти миқдори 95% (CI) ишончлилиқ интервали билан хулоса қилинди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 6,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Юқори лаб ва танглайнинг бир тарафлама туғма кемтикли болаларни эрта комплекс операциядан олдинги тайёргарлиги**» деб номланган учинчи бобида юқори лаб бир тарафлама туғма кемтигида 3D-сканерда рақамлаштириш технологияси ёрдамида назорат-диагностик моделларни текширганда альвеоляр ёй деформациялари ва танглай ўсимталари силжишларининг турлари, такомиллаштирилган ўлчаш услуги авзалликлари таърифланган. Хейлопласткадан олдин ЮЛТТК болаларини эрта ортодонтик даволаш таъсирида юқори жағ ўзгаришлари динамикасининг таҳлили ўтказилган.

Бир томонлама ЮЛТТКли болаларда О-шаклдаги бурун стент билан назоальвеоляр молдинг (НАМ) модификациясини қўллаш орқали юқори жағнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш ва буруннинг тери-тоғай қисми тўғри шаклланишини натижалари тақдим этилди (фойдали моделга патент Uz FAP №01378).

Қўйилган вазифаларга асосан, ЮЛТТКли болаларда юқори жағ суягининг ўсиш ва ривожланиш динамикаси ўрганилди. ЮЛТТКли 78 нафар болада, назорат-диагностик моделлар ўрганилди, ортодонтик даволанишдан олдин ва сўнгра юқори жағ суяги морфологик ўзгаришлари натижалари таҳлил қилинди, болаларнинг 48 нафаридан бир тарафлама ЮЛТТКли ва 30 нафар чегараланган кемтикли. Жағ суягининг морфологик ўзгариши ва ўсиши назорат-диагностик моделларни ўлчаш йўли билан ортодонтик даволашдан олдин ва сўнгра динамикада иккита усулда ўтказилди: НАМ ўлчам усули ва шакиллантирувчи пластинкани қўллаш усули билан.

Эрта ортодонтик даволаш ЮЛТТКли болаларда 1-жадвалга асосан, юқори жағнинг узунлиги сагитал йўналишда 6 ойдан сўнг барча тишлар сатҳи бўйича деярли меъёрга тенглашди. Кузатув гуруҳидаги болаларида ҳам аналогик ҳолат кузатилди.

ЮЛТТК болаларида ортодонтик даводан сўнг юқори жағ узунлигининг антропометрик кўрсаткичлари ( $M \pm m$ ), мм

Ўши - ойи	Текширилган болалар	Ax	Bx	CxR	CxL	DxR	DxL	
Методикалар бўйича ортодонтик даволашдан 6 ой сўнг	Прешакиллант иривчи пластинкани қўллаш орқали (n=10)	БТЮЛТТ К (n=10)	34,8±0,96	28,9±0,64	23,5±0,53	22,5±0,49	14,9±0,51*	13,9±0,42*
		Чегараланган ТТК (n=10)	34,7±1,0	28,7±0,61	22,9±0,5	22,8±0,54	14,7±0,52	14,7±0,47
	НАМ усулини қўллаш орқали (n=21)	БТЮЛТТ К (n=11)	34,5±1,01	28,6±0,64	23,1±0,51	23,3±0,48	14,9±0,47	14,1±0,37
		Чегараланган ТТК (n=10)	34,1±1,1	28,2±0,61	22,6±0,62	22,6±0,51	14,5±0,48	14,5±0,38

Изоҳ: \*соғлом болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан  $P < 0,05$  даражасида Стъудент мезони бўйича ҳаққоний фарк.

